

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У Қ М

2019 йил август ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, судья А.Ахмадовнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Бўроновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг ёрдамчиси Д.Мўминов, судланувчи И.Ашуров ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳар “Шафқат” адвокатлик фирмаси адвокати О.Мажидов, жабрланувчи Р.Облобердиеваларнинг иштирокида Ашуров Имомкул Туракуловичга нисбатан 1-1416-1902/119-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ашуров Имомкул Туракулович
(**Ashurov Imomkul Turakulovich**)

1965 йил 10 ноябрь куни Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, “Илхом Туракулов даласи” фермер хўжалиги раиси, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Ургут тумани, Хўжайдуқ маҳалласи, рақамсиз уйда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2019 йил 10 июль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ашуров Имомкул Туракулович 2019 йил 21 май куни соат 10:30ларда Ургут тумани, Хўжайдуқ маҳалласида жойлашган “Нурсочган Қуёшли Узумзорлари” фермер хўжалиги даласида фуқаро Облобердиева Райхона Раимовна билан ўрталарида келиб чиққан ер масаласи юзасидан жанжаллашиб қолиб, уни юз ҳамда танасининг турли соҳаларига оёқ кўллари билан уриб, тан жароҳати етказган.

Суд тиббиёт экспертизасининг 2019 йил 10 июнь кунидаги 199-сонли хулосасига кўра, Р.Облобердиевага “соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил” тан жароҳати етказилган.

Судланувчи Ашуров Имомкул Туракулович суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб қуйидагиларни, яъни у Ургут тумани “Хўжайдуқ” маҳалласида фаолият олиб бораётган “Илхом Туракулов

даласи” фермер хўжалиги раиси лавозимида ишлаб келишини, 2019 йил 21 май куни укаси Қ.Ашуровнинг ўғли уйига келиб унга унинг отаси кўнғироқ қилиб фермер хўжалиги даласида жанжал бўлаётганлигини, у ерга боришини айтганлигини, шунда у фермер хўжалиги даласига етиб борганлигини, фермер хўжалиги даласида ўғли И.Ашуров, Ў.Турақулов ва Б.Облобердиевларни кўрганлигини, шунда ўғли И.Ашуров уларга тегишли ер майдонини трактор билан ҳайдаётганлигини айтганлигини, у сабабини Б.Облобердиевдан сўраган вақтида ушбу ер майдони опаси Р.Облобердиевага тегишли эканлигини айтган вақтида у опасини чақиртиришини сўраганлигини Б.Облобердиев опаси Р.Облобердиевани кўнғироқ қилиб чақиртирганлигини, орадан бир оз вақт ўтганидан кейин Р.Облобердиева дала майдонига келиб уни ҳар-хил сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, шунда унинг жаҳли чиқиб, Р.Облобердиевани уриб тан жароҳати етказганлигини, лекин унинг тилла занжирини кўрмаганлигини, ўғли Илхом ва Ўткирлар жанжал вақтида уларни ажратиб қўйганлигини, ҳозирги кунда Р.Облобердиевадан кечирим сўрашини баён қилиб унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи И.Ашуров суд терговида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби суд мажлисида сўралган қуйидаги жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари билан ўз исботини топди.

Жумладан;

Жабрланувчи Облобердиева Райхона Раимовна суд мажлисида қуйидагиларни, яъни 2018 йилда Ургут туман ҳокимининг Қарори билан унга Хужайдуқ МФЙ ҳудудидан 1 гектар майдонга тенг сувли ер ажратиб берилганлигини, у ушбу ердан фойдаланиб келаётганлигини, 2019 йил 21 май куни ушбу ўзига тегишли бўлган ер майдонини баҳор мавсумига экин экиш учун тайёрлаш мақсадида укаси Б.Облобердиевга тегишли бўлган тракторида ерни ҳайдаб беришини илтимос қилганлигини, укаси рози бўлиб ерни ҳайдаб келиш учун ери томонга кетганлигини, орадан бир оз вақт ўтганидан кейин укаси унга кўнғироқ қилиб, ер кимга тегишли эканлигини сўраб далага келишини айтганлигини, у шу вақтда дала майдонига борганлигини ва укаси Б.Облобердиевни оғиз ва бурни қонаб турганлигини кўрганлигини шу вақтда дала майдонида И.Ашуров ва ўғли Илхом ҳамда Ўткирларни кўрганлигини ва улардан нима сабабдан укасига тан жароҳати етказишганлигини сўраганлигини улар укасини ўрмаганлигини итариб юборганлигини айтганлигини, сўнг И.Ашуров ва унинг ўғли Илхом ва Ўткирлар унга тан жароҳати етказганлигини шунда у хушини йўқотганлигини ўзига келганидан укаси унга сув сепиб турганлигини кўрганлигини шу вақтда унинг тилла занжири ва 2.000.000 сўм пуллари йўқлигини билганлигини баён қилиб судланувчига нисбатан даъвоси борлигини унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ Ашуров Қурбонбой Турақулович суд мажлисида қуйидагиларни, яъни 2019 йил 21 май куни қушни маҳаллага ерни ҳайдаш учун трактори билан кетаётган вақтида йўлда жияни ерни ҳайдаб беринг

деб айтганлигини шунда жияни айтган ерни ҳайдаш учун борган вақтида у ерда Б.Облобердиев трактори билан ерни ҳайдаётган эканлигини, шунда у нимага ерни ҳайдаётганлигини сўраб акаси И.Ашуровни чақиртирганлигини, у ҳам опаси Р.Облобердиевани чақиртирганлигини, акаси ва Р.Облобердиева келишганидан кейин ўзаро ер устида тортишиб қолиб Р.Облобердиевани итариб юборганлигини, у уларни ажратиб қўйганлигини Р.Облобердиевнинг бўйнида ҳеч қандай тилла занжири йўқ эканлигини билганлигини ва пулини ҳеч ким олмаганлигини, шундан сўнг у ўзининг иши билан кетганлигини баён қилди.

Гувоҳ Ашуров Илҳом Имомқулович ва Тўрақулов Ўткир Имомқуловичлар суд мажлисида сўралган судланувчи И.Ашуровнинг кўрсатмасига ўхшаш кўрсатма берди.

Гувоҳ Облобердиев Боходир Раимович суд мажлисида қўйидагиларни, яъни 2019 йил 21 май куни опаси Р.Облобердиевнинг илтимосига асосан опасига тегишли ерни ҳайдагани борганлигини, И.Ашуровнинг ўғли Ў.Турақулов уни чақириб нима учун уларга тегишли бўлган ер майдонига кирганлигини сўраганлигини, у опасининг илтимосига асосан ерни ҳайдаётганлигини айтганлигини шунда Илҳом келиб уни тепганлигини, Алижон уларни ажратиб қўйганлигини, шунда у опаси Р.Облобердиевани чақиртирганлигини, сўнг опаси келганида ўзаро гап талашиб қолганлигини, Р.Облобердиевани И.Ашуров қўли билан итариб юборганлигини ўғли Илҳом ва Ўткирлар опасини тепганлигини, сўнг опасини шифохонага олиб кетганлигини, тилла занжирни кўрмаганлигини у ҳамма ҳолатни кузатиб турганлигини баён қилди.

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида мавжуд суд терговда таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қўйидаги инкор қилиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан, яъни,-

фуқаро Р.Облобердиевнинг оғзаки ариза баённомаси; тушунтириш хатлари; судга оид тиббиёт экспертизанинг 29.05.2019 йил кунги 199-сонли фуқаро Р.Облобердиевага нисбатан берилган тиббий хулосаси; сўроқ баённомалари; фуқаро Р.Облобердиевани жиноят ишида жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида қарор ҳамда бошқа жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, судланувчи И.Ашуровнинг баданга қасддан “Енгил соғлиқни бузилишига сабаб бўлган шикаст” етказишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июнь кунги 6-сонли “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 24-бандидаги “Баданга қасддан бундай шикаст етказганлик соғлиқнинг қисқа вақт давомида ёмонлашувига сабаб бўлган ҳолдагина келиб чиқади” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи И.Ашуровнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, муқаддам судланмаганлигини, ёшини, қарамоғида 3 нафар

фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни, паст ниятда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи И.Ашуровга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 18-бандидаги, “Ахлоқ тузатиш ишлари меҳнатга лаёқатли шахсга нисбатан у содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда уни жамиятдан ажратиш зарурати бўлмаганда тайинланади” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, унинг шахсини, ёшини, муқаддам судланмаганлигини, оилали бўлиб 3 нафар фарзандлари борлигини, оилавий шароитини ҳисобга олиб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб ҳам ахлоқан тузатиш мумкин деб ҳисоблаб, унга нисбатан содир этган жинояти учун қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, жазо миқдорини белгилашда муқаддам судланмаганлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларини, шунингдек жабрланувчи Р.Облобердиеванинг даъвоси борлигини инобатга олишни, тергов органи томонидан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишликни лозим деб топди.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топади.

Суд, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли асослантирилган хужжатларни тўплаб, келгусида фуқаролик тартибида судга даъво қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга биноан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 465-468, 471-473, 476-моддалари талабларига риоя қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ашуров Имомкул Туракулович (**Ashurov Imomkul Turakulovich**) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ашуров Имомкул Туракуловичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини жазони ижро этувчи органлар белгилаб берган жойда ўташ белгилансин.

Ҳукм ижроси Ургут туман бўйича ИИО ФМБ га юклатилсин.

Жазо муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

И.Ашуровга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга даъво қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

А.Ахмадов